# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 11 февраль, № 29 (6464) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.




## Мухолиф фракция депутатлари қонун лойиҳасини муҳокама этишди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси мухолиф фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг январь ойида парламент қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилган бўлиб, ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, соғлиғини сақлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги амалдаги Қонуни иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

У қабул қилинганидан буён 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Ана шу давр мобайнида кенг қамровли ислоҳотлар натижасида меҳнатни муҳофаза этиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимлар соғлиғини асрашга қаратилган, шу жумладан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилди, меҳнат муҳофазасига ёндашувлар ҳам ўзгарди.

Депутатлар баҳс-мунозара ва қизғин фикрлар алмашинуви давомида “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига ҳамда сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда Демократик кучлар блоки томонидан ўз мажлисида эълон қилинган позицияси, яъни меҳнат муҳофазасига маблағлар ажратиш тартибини белгилашда касаба уюшмалари ташкилотлари иштирок этиши ҳамда ходимларни иш берувчи ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги меъёрларни янги таҳрирдаги қонун лойиҳасидан олиб ташлаш таклифи муҳокама қилинди.

Мухолиф фракция депутатлари қайд этганидек, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи, ишлаб чиқариш жараёнининг замонавий техника ҳамда илғор технологиялар билан таъминланиши, кичик бизнесга янада кўпроқ меҳнат ресурслари жалб қилиниши орқали меҳнат хавфсизлиги шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси талаблари ижроси бўйича иш берувчи ва ходимларнинг масъулиятини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар парламент кўпчилигининг иш берувчиларнинг ўз ходимлари саломатлигини сақлашда манфаатдорлигини ҳисобга олмайдиган позициясига қарши эканлигини билдиришди.

Фракция аъзолари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ихтисослаштирилган ваколатли давлат органининг ваколатлари, шунингдек, иш берувчи ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ташкилотлар фаолияти тугатилган тақдирда уларнинг ходимга зарарни қоплаши бўйича жавобгарлигини белгилашга оид меъёрларга алоҳида эътибор қаратишди.

Депутатлар фикрича, иш берувчи томонидан ходимга унинг саломатлигига зиён етган тақдирда зарарни қоплаши бўйича меъёрлар акс эттирилиши ходимлар, айниқса, аёллар ва вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтиради.

Фракция аъзолари мазкур қонуннинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик, касаба уюшмалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини жалб этган ҳолда, ҳар томонлама ҳуқуқий ҳамда жамоат экспертизасидан ўтказишни таклиф этмоқда. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари ва вазифаларига ҳамоҳангдир.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ

Кейинги йилларда юртимизнинг кимё, энергетика, озиқ-овқат саноатидаги йирик корхоналарида техник ва технологик янгилаш жараёнлари изчил давом эттирилаяпти.

Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар Оролбўйида ҳам жадал тус олган. Масалан, айни пайтда Қўнғирот сода заводида 109,5 миллион АҚШ долларилик лойиҳа асосида йилига қўшимча 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш тадбирлари жадал олиб борилаётир. Бугунгача унинг асосий қисми тугалланиб, 100 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Эътиборлиси, лойиҳа тўлиқ ниҳоясига етказилгач, 276 та янги иш ўрни яратилади.



**ИСЛОҲОТ**



Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ушбу жабҳадаги ишларга янада суръат бағишлади. Негаки, мазкур ҳужжатга кўра, Беруний туманидаги “Астера текстиль”, Тўрткўлдаги “Тўрткўл Асака текстиль”, Нукус шаҳридаги “Нукус текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари каби замонавий корхоналар энг сўнгги русумдаги ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланиши баробарида, юзлаб кишиларнинг бандлиги таъминланди. Амударё туманидаги “Amudaryotex” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири.

“Манғит ип йигирув ва тўқув фабрикаси” негизида 29,5 миллион АҚШ долларилик инвестиция эвазига барпо этилган мазкур корхонада йилига 6 минг тонна калава ип ҳамда тўқимачилик ашёлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муҳими, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакатдан биридир»

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда Бельгиянинг расмий, ишбилармон, илмий ҳамда жамоатчилик доиралари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, Европа ҳамжамияти комиссиялари, Европа парламенти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

**ЭЪТИРОФ**

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан яқиндан танишдилар.

Юртимизда иқтисодиётнинг турли жабҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлгани қайд этилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, спортни янада ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ҳам хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинаётган ислоҳотлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминлангани алоҳида эътироф этилди. Мутахассислар шу каби ютуқлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Хусусан, **Европарламент маслаҳатчиси Франк Швальба-Хот** Ўзбекистонга бир неча маротаба ташриф буюргани, ҳар сафар ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлганини таъкидлади.

— Олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги, босқичма-босқичлиги ва чуқур ўйланганлиги мамлакат иқтисодиётининг янада равнақ топиши гаровидир, — деди у. — Буюк олимлар ва мутафаккирлар, турли соҳалардаги илғор тадқиқотчилар етишиб чиққан, инсоният цивилизациясининг ўчоғи саналган бу ўлка бугунги кунда ҳам улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Кўпчилигини ёшлар ташкил қиладиган аҳоли халқаро андозаларга мос бўлган таълимдан баҳраманддир. Ўзбек халқига хос меҳнаткашлик, аниқ мақсад сари интилиш, бағрикенглик фазилатлари бошқа соҳаларда ҳам юқори марралар забт этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Шу боис “ўзбек модели” иқтисодиётни модернизациялаш, саноатни диверсификациялаш, юқори технологияларга асосланган тармоқларни ривожлантириш йўлини тутиш нуқтаи назаридан кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишонч билан айтишим жоизки, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баравар оширишга эришилади. Мазкур жараёнда ўзбекистонликларнинг миллий ўзига хослиги, яъни ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати катта ўрин тутади.

**Осиё тадқиқотлари Европа институтининг илмий ходими Себастьяно Мори** Президент Ислом Каримовнинг ушбу маърузасида кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинганини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

**ТАДБИР**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

# Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Мазкур комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда Жамоат фондининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2016 йилдаги иш режаси муҳокама қилинди.

Унда ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, демократик қадриятлар, аҳоли ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтиришга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни молиялаштиришга алоҳида урғу берилди.

Таъкидланганидек, ўтган йили Жамоат фонди томонидан ННТнинг давлат органлари билан ижтимоий ҳамкорлиги механизмлари самарадорлигини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга йўналтирилган бир қатор лойиҳалар молиялаштирилди.

Давлат гранти танлови иштирокчилари ва тақдим этилган лойиҳалар сони 2014 йилдагига нисбатан 2 баробар, кейинги беш йилнинг ўзида эса давлат гранти танловларида ғолиб бўлган лойиҳалар сони 2,3 карра ошган. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига ажратилган давлат гранти миқдори 25 млн. сўмга ёки 2009 йилдагига нисбатан ўртача 4,2 баробар ўсган.

(Давоми 2-бетда).

# БЕТАКРОР ТАБИАТ, БЕБАҲО МЕРОС, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

## туризм индустрияси ривожида катта аҳамиятга эга

Сайёҳлик жаҳон иқтисодиётининг тез суръатларда ривожланаётган, айни пайтда энг сердаромад тармоқларидан бирига айланган. Соҳа хизматлари экспорти дунёда нефть ва автомобиль саноатларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб, аксарият мамлакатларда валюта тушумининг муҳим манбаи ҳисобланиши бунинг яққол далилидир.

**ТАҲЛИЛ**

Дарҳақиқат, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ялпи маҳсулотнинг 10, хизматлар экспортининг 30, иш билан банд бўлганларнинг 9, инвестицияларнинг 11, солиқ тушумининг 5, хизматлар савдосининг эса 33 фоизи айнан туризм ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилда мазкур нуфузли ташкилотнинг аъзоси бўлди. Бинобарин, юртимиз қулай географик жойлашув, улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Евроосиё давлатларини бирлаштирадиган Буюк Ипак йўли туристик йўналишлари унинг ҳудудида туташади. Мустақиллик йилларида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида кўп тармоқли саёҳат, кўнгилли ҳордиқ чиқариш индустриясига асос солиниб, юқори даражадаги хизматлар кўрсатила бошланди. Пировардида соҳа йилдан-йилга ривожланиб, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири сифатида тараққий этиб бораяпти.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи мазкур ташкилот Ижроия кенгашининг Самарқандда ўтказилган 99-сессияси очилиш маросимидаги нутқида Ўзбекистонда мавжуд туризм инфратузилмаси саноат жозибадорлигини оширишини таъкидлаб, жумладан, шундай деган эди: “Биз Ўзбекистонда амалга оширилган буюк ўзгаришлар гувоҳи бўлдик. Туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган Президент Ислом Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг асосий марказларидан бири бўлишига ишонамиз”.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, 1999 йилда “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Негаки, ушбу Қонун ижроси доирасида инвестициялар жалб этилиб, инфратузилмани такомиллаштириш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича салмоқли юмушлар амалга оширилди.

(Давоми 4-бетда).

# Истеъдод ва маҳорат танлови

**«ОЛТИН ҚАЛАМ — 2016»**



Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



## Тадқиқотчилар мулоқоти

**Самарқанд**

Иқтисодиёт ва сервис институтида мамлакатимиз, шунингдек, Бельгия, Греция, Хорватия ҳамда Словения олий ўқув юртлари олимлари, экспертлари, профессор-ўқитувчилари иштирокида Европа Иттифоқи "Темпус" дастури доирасида давра суҳбати уюштирилди. Унда давлатимизда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, соҳага инновацион ишланма ва ғояларни татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, тадбирда республикамиз олий ўқув юртларида кадрлар билим салоҳиятини яхшилаш, катта илмий ходим-изланувчилар учун кенг имкониятлар яратиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳозир 30 нафар мутахассисимиз сервис ва хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проректори Д. Асланова. — Улар "Темпус" дастури бўйича бир қатор лойиҳаларда иштирок этаётир. Бу соҳадаги танловларда ғолиб бўлган ўн нафардан зиёд тадқиқотчи-ўқитувчи ҳамда талабамиз Европанинг нуфузли олий таълим муассасалари, илмий марказларида тажриба ошириш, таълим олиш имкониятига эга бўлди.

Давра суҳбати якунида лойиҳа асосида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиётга татбиқ қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сердаромад соҳа

**Бухоро**

"Бухоробалиқ" масъулияти чекланган жамиятига қарашли сув ҳавзаларида маҳсулот етиштириш миқдори йил сайин ошмоқда. Жумладан, 2015 йилда мазкур корхона жамоаси истеъмолчиларга 190 тонна балиқ етказиб берди. Бу 2014 йилдагига нисбатан 50 тонна кўпдир.

Ҳозир жамиятнинг 100 гектар майдонни эгаллаган ҳавзаларида оқ амур, зоғора, дўнгпешона каби балиқ турлари етиштирилаяпти. 35 гектар сунъий ҳавзада эса чавақлар парваришланаётир. Хўжаликда йилига 30 миллион донадан зиёд балиқ чавағи тайёрлаш қувватига эга инкубация цехи барпо этиш режалаштирилган.

Дарвоқе, корхона жамоаси бу борада муайян тажрибага эга. Чунончи, ўтган йили балиқчиликка ихтисослаштирилган йигирмага яқин фермер хўжалигига балиқ чавақлари етказиб берилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа муддатда катта натижа

**Сирдарё**

Сардоба туманидаги "З. М. Бобур" масъулияти чекланган жамиятида қарийб 140 минг АҚШ долларилик истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилди. Натижада бу ерда Голландиядан келтирилган 36 минг бош наслдор паррандани парваришлашга киришилди.

— Ҳадемай ҳамкорларимизга кунига 20-24 мингта тухум етказиб беришни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Ҳожиматов. — Улардан чиққан жўжалар жуда қисқа муддат — 35 кунда меъёрий вазнга эга бўлади. Бу эса таннархи арзон ҳамда сифатли парҳез гўшт етиштириш имконини беради.

Жорий йилда корхонага яна 4 тўплам замонавий парранда боқиш ускунаси ўрнатилади. Пировардида наслли товуқ тухуми тайёрлаш ҳажми ошиши баробарида, жамоа сафи янада кенгаяди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакатдан биридир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мустақиллик йилларида республикада тизимли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди европалик олим. — Улар давлатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш имконини берди. Иқтисодиётни модернизациялаш ялпи ички маҳсулотнинг изчил ва барқарор ўсишида катта туртки бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, йирик энергетика ҳамда инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган муваффақиятлар ҳам диққатга сазовордир.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистондаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни "децил коэффициенти" деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эгадир. Шу маънода, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингида Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани таҳсинга лойиқ.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхона фойдаланишга топширилиши билан 420 нафар маҳаллий йигит-қизни ишга жалб этдик, — дейди мазкур жамият раҳбари Санжар Вафаев. — Айни пайтда улар томонидан ойига 420 тонна юқори сифатли калава ип тайёрланмоқда. Ўтган йили эса 15 миллиард сўмлик маҳсулотимизнинг 1 миллион АҚШ долларилигини хорижлик буюртмачиларга етказиб бердик.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида 6 та йирик енгил саноат корхонасида 65,5 миллион долларлик модернизациялаш лойиҳалари амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилаётган катта эътибор юртимиз иқтисодиёти юксалишида, аҳоли турмуш фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлаётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** "Amudaryotex" масъулияти чекланган жамияти фаолиятидан лавҳалар.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Истеъдод ва маҳорат танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз ташаббуси билан таъсис қилинган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад миллий ҳамда халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён қилиши учун шароит яратиш, журналистларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборат.

Телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказиладиган халқаро ижодий кўрикда битта бош миллий мукофот ҳамда ҳар бир номинация бўйича учтадан мукофот ва "Энг яхши матбуот хизмати", "Энг яхши фоторепортаж" рағбатлантирувчи номинациялари таъсис этилган.

"Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2006 йилда ўтказилган "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун танловда 136 журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2015 йили ташкил этилган X Миллий мукофот учун танловда 690 ижодкор 15 мингга яқин материалини тақдим қилди. Шу вақтга қадар танловда 5000 га яқин журналистнинг 70 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилган. Умуман, ўтган ўнта танловда жами 222 журналист ғолиб ва совриндор бўлиб, уларга 1,2 миллиард сўм миқдорида мукофот пуллари берилди.

Йиғилишда "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти халқаро танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг иш режаси тасдиқланди, ишчи гуруҳи тузилиб, танловга тайёргарлик бўйича қатор масалалар кўриб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ўз номинацияларини билан қатнашишини маълум қилди. Бундан ташқари, "Олтин қалам" Миллий мукофоти доирасида бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан мукофотлар топширилиши режалаштирилган.

Танлов ғолиблари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тақдирланади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар қўллаб-қувватланади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳамда ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман, 2015 йилда ННТ, ОАВ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 300 та лойиҳа ва дастури қўллаб-қувватланиб, улар 10 млрд. сўм миқдорида давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидияларни олди.

Парламент комиссияси аъзолари 2016 йилдаги иш режаларини тасдиқлади. Шундай қилиб, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини юксалтиришга 11 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилгани ва бу ўтган йилдагига нисбатан ўн фоиз кўп экани қайд этилди.

2016 йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланадиган вазифалар ижросига ННТни кенг жалб қилиш, қонунийликни мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш, одамларда қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни янада юксалтириш, социал-иқтисодий дастурларни амалга ошириш доирасида ОАВ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда фуқаролик жамияти институти лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатда мустақиллик йилларида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этишга йўналтирилган грант танловлари режалаштирилган.

Қолаверса, муайян давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларнинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш соҳасида фуқаролик институтлари ишини фаоллаштириш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган давлат ижтимоий буюртмасини тақдим этишга танлов эълон қилинади.

Қайд этилганидек, Парламент комиссиясининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг комплекс ҳамда тизимли ёндашуви давлат маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишига имкон беради.

Йиғилишда Парламент комиссияси ва Жамоат фонди фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Якунда Парламент комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

**«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш»** мавзуида

**ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини**

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ҳамда кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2. Қиз болалар, бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаш, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришнинг асосий шарти сифатида уларда қатъий ҳаётий позицияни ҳамда мустақил фикрлашни шакллантириш.

3. Мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини аҳоли кенг қатламларига тушунтириш.

4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калориялилигини таъминлаш масалалари юзасидан кенг ахборот-тушунтириш тадбирларини ўтказиш.

5. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган амалий тадбирларни ташкил этиш.

6. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар, қайнона ва келин, шунингдек, қўшнилар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эзгулик ва меҳр-муҳаббатга асосланган муносабатларни шакллантиришга кўмаклашиш.

7. Жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, азалий миллий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда юксак ахлоқий муҳитни қарор топтиришда оиланинг ролини кучайтириш.

8. Оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»** номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда *(А4 форматда)* қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

**«ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилишининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш»** мавзуида

**ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини**

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини кучайтириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган махсус телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.

2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини ёритиш.

3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан аҳолининг, фуқаролик жамияти институтларининг хабардорлигини ва кенг фойдаланишини таъминлаш.

5. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

6. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жойлардаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёни ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

7. Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ҳамда динлараро тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда намунали маҳаллаларнинг иш тажрибасини оммалаштириш.

8. Ҳудудий ОАВларда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича сиёсий партиялар нуқтаи назарини очиб берадиган, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида хабардор этадиган таҳлилий материаллар тайёрлаш.

9. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, жойларда ушбу қонунлар нормалари амалга оширилишининг бориши, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»** номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда *(А4 форматда)* қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШда асос солинган ва ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйишда фойдаланиладиган “Linkedin” ижтимоий тармоғи акциялари баҳоси “Nasdaq” биржасида бирданига 43 фоиз арзонлашди.*

## Акциялари арзонлашди



Бу қарийб 11 миллиард доллар, деганидир. Мазкур ҳолат инвесторларни ҳам ҳайрон қолдирди. Ваҳолонки, 2015 йилнинг тўртинчи чорагида компания даромади 32 фоиз ўсиб, фойдаланувчилари сони 400 миллион нафардан ошганди. Жорий йилги пасайиш эса жаҳон иқтисодиётидаги мураккабликлар туфайли ишчи ёллаш бозоридаги фаолликнинг сусайгани билан изоҳланаяпти. Шу боис “Linkedin” маркетинг сервисларининг бир қисмини ёпишни ҳам режалаштирмоқда.

## Ижобий ўзгариш

*Франция иқтисодиёти турғунликдан чиқаяпти, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

Гап шундаки, мамлакат Марказий банки жорий йилнинг январь — март ойларида ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоиз ўсишини башорат қилмоқда. Ўтган йилнинг сўнгги чорагида бу кўрсаткич бор-йўғи 0,2, 2015 йил якуни бўйича эса 1,1 фоизни ташкил этган эди.

Ўз навбатида, Франция саноатида келажакка ишонч индекси охирги тўрт йилда илк бор сезиларли даражада ошган. Лекин хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, меҳмонхона ва ресторан бизнесидаги ҳолат ҳамон пастлигича қолаётир.



## Соат ўз эгасини «танийди»

*Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси “ақлли” соатларни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.*



Навбатдаги моделнинг энг эътиборли жиҳати шундаки, у эгасини вена қон томирлари жойлашувига қараб аниқлайди ва шундан сўнг ишлайди. Бунинг учун механизмга иккита ёритқич ҳамда махсус камера ўрнатилади.

Айни пайтда маҳсулотга патент олиш жараёни кетаяпти.

## Муқобил ёнилғида учади

*Буюк Британиянинг Аргайл вилоятида қаттиқ водородда ҳаракатланадиган илк учувчисиз самолёт синовдан ўтказилди.*



Парвоз ўн дақиқа давом этди. Ҳаво лайнери экологияга зарарсизлиги билан ажралиб туради. Ушбу муваффақият “Туманли альбион”даги “Cella Energy” компаниясининг узоқ йиллик изланишлари самарасидир.

Янги турдаги самолётни қувват билан таъминлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Келгусида ундан узоқ масофаларга мўлжалланган тижорий рейсларда фойдаланиш имконияти туғилади.

## Поездлар тўқнашуви

*Германиянинг Бавария федерал еридаги Бад-Айблинг аҳоли яшаш пунктида иккита поезд тўқнашиб кетди.*



Оқибатда юзга яқин киши жароҳатланди, қурбонлар ҳам бор. Бахтсиз ҳодиса юз берган жойда қутқарувчилар, ўт ўчирувчилар, шифокорлар иш олиб бораяпти. Ушбу ҳудудда темир йўл ҳаракати вақтинча тўхтатилган. Фалокат сабаблари ўрганилаётир.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

---

**ИННОВАЦИЯ**

Халқимиз қиш ва эрта баҳорни бежиз “илигузилди” даври демайди. Боиси, бу паллада инсон организмида турли витамин ва микроэлементларга эҳтиёж янада кучаяди. Илгари бундай унсурларга бой мева-сабзавот, кўкату резаворлар қиш охирламай рўзғоримиздан тортилиб қоларди. Дўконларимиз пештахталарида сабзи, шолғом, пиёздан бўлак маҳсулот бўлмасди.

# Қишда ёз неъматлари

## аҳоли дастурхонига файзу барака киритмоқда

Бугун-чи? Йилнинг тўрт фаслида ҳам дастурхонимизнинг файзу баракаси беҳисоб. Помидор-бодринг, олма-анор, узуму қулупнай, ҳатто, ўз тупроғимизда етиштирилган цитрус меваларгача бозорларимиз расталарини яшнатиб турибди.

Сир эмас, имконият ва имтиёз эзгу ташаббуслар сари йўл очади. Биргина тадбиркорлик ҳамда фермерликка қаратилаётган эътибор юртдошларимизнинг ҳаётга муносабатини, дунёқарашини тубдан ўзгартириб, янгича ишлаш ва яшашга ундамоқда. Бугун шахсий томорқасида, мўъжазгина иссиқхонасида меҳнат қилиб, ҳам оиласи, ҳам элга нафи тегаётганларнинг ғайрат-шижоатини таъкидлаш ўринлидир.

Бундай фидойи ва ташаббускор инсонлар Навоий вилоятида ҳам анчагина. Кейинги йилларда ҳудудда тармоққа илғор технологияларни жорий этиш ҳаракати қизғин тус олмоқда. Бунда маҳаллий ишбилармонларнинг чет эллик инвестор ва мутахассислар билан тенг шериклик асосидаги ҳамкорлиги айни муддао бўлаётир.

Навоий шаҳридаги “Navoiy — Korea” қўшма корхонаси замонавий технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Хусусан, ўтган даврда модернизациялаш тадбирлари натижасида 2,5 гектар ерда гидропоник усулда сабзавот парваришланаяпти. Ўз навбатида, 30 нафарга яқин йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Яқинда жамоа 100 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан чет эллик буюртмачилар билан шартнома имзолади.



Шу ўринда корхонада инновацион лойиҳаларни амалиётга самарали татбиқ этиш борасидаги ўзига хос тажриба хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Яқингача гидропоник усулда ўзида намликни сақловчи субтропик маҳсулотлар чиқиндиси ёрдамида ундирилган сабзавотлар эндиликда бу ерда янги технология — базальт толали минерал ваталарда парваришланаётир. Яна бир мисол: помидорнинг “Квалитет” ва “Торре” навлари серҳосил бўлса-да, жуда “инжиқ” ҳисобланади. Улардан ҳосил олишда турли ранглардаги диодли ёритқич ва махсус нур таратувчи лампалардан фойдаланилаётгани қўл келаяпти. Мазкур технология Голландия ва яна бошқа қатор ривожланган давлатларда синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, ҳозир кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ана шу усулда парваришланмоқда. Унинг яна бир ўзига хос жиҳати, маҳсулот етиштириш даврида тупроқдан умуман фойдаланилмайди. Ўсимлик базальт тоши толасидан ташкил топган, сувнинг 90, минералларнинг юз фоизини ўзида сақлаб қолувчи махсус идишларда ўстирилади. Кўчатлар 28 турдаги минераллар билан бойитилган сувда томчилатиб суғориш йўли билан парваришланади. Жумладан, таркибидаги темир ва магний моддалари момиқнинг ҳар бир толасини ҳаво билан тўйинтиради. Натижада ўсимликнинг ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги икки баробар ошади.

— Иссиқхонамизда иш жараёни, асосан, компьютерлар ёрдамида бажарилади, — дейди қўшма корхона иш юритувчиси Ҳақназар Халилов. — Бу эса электр энергияси ва сув сарфини иқтисод қилиб, озиқлантириш юмушларини самарали йўлга қўйиш имконини бермоқда. Қолаверса, ойнаванд майдонларга ўрнатилган махсус пардалар иссиқликни 40-45 фоизгача тежаса, иқлимни назорат этувчи ускуналар ҳароратни меъёрида сақлашга хизмат қилаётир. Яқинда ана шу усулда парваришланган помидор кўчатлари ҳосилга кирди.

Албатта, бугунги куннинг беқиёс имкониятлари одамларни тадбиркорликка, фаолликка ундаяпти. Шу маънода, бозорларимиз мўл-кўл, дастурхонимиз файзли бўлишида қишлоқлардаги омилкор деҳқонларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этиш ўринлидир. Чунончи, Кармана туманининг “Жалойир” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги деярли ҳар бир хонадон бугун ўз иссиқхонасига эга. Икки сотихлик котлован усулида ташкил этилган бундай ерларда турли резаворлар етиштирилмоқда.

Умуман, кейинги йилларда вилоятда 252 гектар майдонда 220 та замонавий иссиқхона ташкил этилиши эвазига 3,7 минг киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу шунча оиланинг рўзғорига барака кирди, деганидир. Бинобарин, маҳсулотларнинг экспорт қилинаётгани иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Муаллиф олган сурат.

---

**ТИББИЁТ**

# Ҳамкорлик самараси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Голландиянинг “Philips Healthcare” компанияси билан ҳамкорликда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида интервенцион кардиология бўлимини ташкил этиш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Унинг доирасида шифо маскани энг замонавий “Philips Allura Clarity” русумли ангиографик жиҳозлар тўплами билан таъминланди.

Бундай тиббий ускуналар барча турдаги томир касалликларини даволашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда кардиология, кўкрак қафаси хирургияси, нейрохирургия, неврология, эндокринология ва урология йўналишларидаги хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ҳамда муолажа қилиш мумкин.

— Ангиография тўпламининг келтирилиши аҳоли учун катта қулайлик яратди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи М. Мамажонов. — Мазкур қурилма ёрдамида эндиликда маҳаллий шифокорларимиз оёқ, қўл, миядаги энг майда қон томирларида ҳам мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишади.

Муҳими, ушбу технология шарофати билан юрак хуружи ва инфарктнинг олдини олиш имконияти юзага келди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Барча қурилиш корхоналари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**Давлат статистика қўмитаси, Тошкент вилояти статистика бошқармаси ҳамда Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази ётоқхонаси биноларининг фасад ва том қисмларини капитал таъмирлаш ҳамда реконструкциялаш бўйича танлов эълон қилади.**

**Талабгор қурилиш корхоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

— қурилиш соҳасида сўнгги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;
— қурилиш ишларини субпудрат ташкилотларини жалб қилмасдан амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуна, техника воситалари ва кадрларга эга бўлиши;
— шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ҳамда ваколатига эга бўлиши.

**Танлов бўйича ҳужжатларни ариза берилгандан сўнг (фирма бланкасида раҳбар имзоси билан) Давлат статистика қўмитасида қуйидаги манзилдан олиш мумкин:**
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 63-уй, 7-қават, 713-хона. Телефонлар: (0-371) 230-81-60, 230-80-82.

**Танлов бўйича таклифларни конвертларда юқорида кўрсатилган манзилга савдо ўтказиладиган куни соат 11.00 гача тақдим этиш мумкин.**
**Танлов бўйича таклиф конвертлари 2016 йил 25 февралда Давлат статистика қўмитасида соат 16.00 да танловда қатнашувчи корхоналар вакиллари иштирокида очилади.**

245А/109

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 4 март куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 74566-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 80-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 627,54 кв.м., фойдаланиш майдони 224,88 кв.м. бўлган, 0001, 0001а, 0002, 0012, 0017, 0018-литерлардаги даволаш масканининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 144 147 927 сўм.***

**2.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 24 декабрдаги 10-12-14/21970-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Чўлпон номидаги МФЙда жойлашган, 0002-литердаги омборхона, 0005-литердаги ҳовуз, 0007-литердаги ҳовуз, 0009-литердаги девордан иборат бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 31 240 091 сўм.***

**3.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-04/8801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 112-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 2016,61 кв.м., фойдаланиш майдони 2432,53 кв.м. бўлган, 73-автокорхонага қарашли, 0003, 0007, 0017, 0020, 0021, 0022, 0025-литерлардаги бино-иншоотлар ва ҳуқуқий ҳужжатсиз қурилган қоровулхона.

***Бошланғич баҳоси — 260 414 213 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 2 март куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

242А/34

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 28 октябрдаги 1-4555/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 16-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 69,53 кв.м., тураржой майдони 44,52 кв.м.дан иборат 4-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 2 мартдаги 1-5676/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 14-мавзе, 13-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 74,92 кв.м., тураржой майдони 56,09 кв.м.дан иборат 18-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 106 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

243А/6

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**XALQ BANKI**

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

**Тошкент вилояти филиали**

**банк биносидаги дизель генераторини таъмирлаш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй.
   Телефон: (+99871) 273-86-57.
   Факс: (+99871) 273-86-57.
   E-mail: taxlil883@xb.uz
2. Танлов мавзуи — Халқ банки Тошкент вилояти филиали биносидаги дизель генераторини таъмирлаш.
3. Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 22 февраль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача қабул қилинади.

186А/52

**GRUZSHINA.UZ**

**ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР**

***СИФАТ КАФОЛАТИ***



**Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.**

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02

# БЕТАКРОР ТАБИАТ, БЕБАҲО МЕРОС, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

## туризм индустрияси ривожида катта аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга мувофиқ, соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар, диверсификация жараёнлари янада жадаллашди. Янгиланишлар нафақат туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, балки миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол олиб кириш имконини бергани таҳсинга лойиқ.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёда етакчи ўн мамлакат сафидан жой олган. Бугунги кунга қадар юртимизда 7570 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олингани, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани, "абадий шаҳар" деган ном билан шуҳрат қозонган Самарқанд инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши, албатта, зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилгани бунинг яққол мисолидир.

Шу билан бирга, тинч ва обод Ватанимизнинг сўлим водий ҳамда воҳалари, бепоён кенгликларни эгаллаган чўллари, мафтункор тоғлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари — буларнинг барчаси хорижлик сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Шу боис 2004 йилда Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг минтақавий офиси очилиб, юртимизнинг қадимий кентларида йирик халқаро анжуманлар, туристик кўргазмалар ўтказилиши анъанага айланди.

Туризмнинг тараққиёти мазкур соҳа билан узвий боғлиқ озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва инфратузилма тармоқлари истиқболига ҳам кенг йўл очди. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилишига, валюта тушуми кўпайишига, пировардида иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу боис ушбу соҳага йўналтирилаётган инвестициялар, табиийки, замонавий сайёҳлик мажмуаларини қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига сарфланаяпти.

Глобал нуқтаи назардан мамлакатимиз дунё текисликларида экологик оптимум ҳисобланган 40-параллел (40° шимолий кенглик) яқинида жойлашган (мазкур параллел Самарқанд шаҳридан ўтади). Юртимизнинг 21 фоиз ҳудудини эгаллаган тоғли қисмида ҳам шунга мос муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда паст тоғ, ўрта тоғ, баланд тоғ зоналари бирин-кетин алмашинади. Бундай қулай табиий шароит барча фаслда туристик хизмат кўрсатишни узлуксиз амалга оширишни таъминлайди.

*"Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган туристик корхоналар сони 1180 дан ошган. Шундан 559 таси туроператор, 622 таси меҳмонхона хўжалиги бўлиб, улар 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича фаолият юритмоқда. Бу, ўз навбатида, сайёҳлар оқими кўпайишини таъминлаётир. Агар 2014 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюриб, соҳада хизматлар экспорти ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ортган бўлса, ўтган йилда туристик хизматлар ҳажми 15,9, уларнинг экспорти эса 12,9 фоиз ўсди. Яна бир муҳим жиҳати, сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар доирасида 814 та янги иш ўрни барпо этилиб, соҳада меҳнат қилаётганлар сони 200 минг нафарга етди.*



Шу каби омиллар ҳисобга олинган ҳолда, халқаро сайёҳликнинг инновацион йўналиши — экологик туризм ривожига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки табиатимиз сайёҳларни ўзига жалб қиладиган ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, улкан даралар, ер қатламлари очилиб қолган ҳудудлар, мафтункор шаршара ва шифобахш булоқлар, қисқача айтганда, гўзал ландшафтларга жуда бой. Буларнинг барчаси экологик туризмнинг асосий мақсади — табиат ҳамда инсониятнинг бевосита мулоқотини ривожлантириш учун айни муддаодир. Бундай ҳордиқ йўналиши дам олувчиларга табиат неъматларидан чексиз баҳра олиш, экологик билимларини бойитиш имконини берса, унинг ташкилотчиларига муайян даромад келтиради.

Экотуризм табиий-иқтисодий барқарорликни сақлаган ҳолда, фаол дам олишга асосланади. Чунончи, уни жорий этиш учун юқори даражада қимматбаҳо хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналарга ҳожат йўқ. Уларнинг ўрнига оддий чодир, уй-меҳмонхона ва кемпинглар, табиат қўйнига сайру саёҳатлар таклиф қилинса, етарли.

Туризмни ривожлантиришда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТҲ)дан "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ, самарали фойдаланиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, республикамиз ҳудудининг 5 фоизидан кўпроғини эгаллаган саккизта қўриқхона, иккита миллий боғ, учта табиий питомник, ўнта буюртмахона, бешта табиат ёдгорлиги, битта биосфера резервати фаолият кўрсатаяпти. Истиқболда умумий майдони 81,1 минг квадрат километр бўлган 29 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд объектларини янгидан ташкил қилиш режалаштирилаётгани эътиборга молик.

Истиқлол йилларида сайёҳлик инфратузилмасининг энг муҳим қисми ҳисобланган транспорт-коммуникация тизими тубдан такомиллаштирилаяпти. Пировардида дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатига замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" самолётларида мунтазам рейслар амалга оширилмоқда, юртимиз бўйлаб тезкор темир йўл хизмати ҳам йўлга қўйилган. Айни пайтда "Афросиёб" электр поезди "Тошкент — Самарқанд — Тошкент", "Тошкент — Қарши — Тошкент" йўналишларида ҳаракатланаётир. Яқин орада Бухоро шаҳрига ҳам тезюрар поездлар қатнай бошлайди. Шунингдек, автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича катта хажмдаги ишлар бажарилиб, уларга уйғун равишда туристик инфратузилма объектлари (кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари) барпо этилаяпти.

Республикамизда туризм равнақига йўналтирилган лойиҳалар барча ҳудудни қамраб олгани билан аҳамиятли. Табиийки, кейинги йилларда кўплаб манзилли дастурлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани айни муддао бўлаётир. Натижада қишки туристик зоналар барпо этилиб, декабрь ойидан то апрелга қадар сайёҳларга хизмат кўрсатилмоқда.

Пойтахтимиздан 80 км. шимоли-шарқда, Чотқол тоғлари қўйнидаги "Чимён оромгоҳи", "Белдирсой оромгоҳи", "Чорвоқ оромгоҳи" саломатлик марказлари ва тоғ чанғи спорт марказларида қишки спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Мисол учун, денгиз сатҳидан 1500-4100 метр баландликда узунлиги 300, 500, 800, 1500 ва 3000 метрга етадиган турли типдаги тоғ трассалари бунёд этилган. Дам олувчилар юқорига осма (канат) йўл, бутель кўтаргич, янада баландроққа вертолётлар ёрдамида чиқишлари мумкин. Бу ерда, шунингдек, 700 ўринли меҳмонхона ва коттежлар, 100 кишига мўлжалланган ресторан, тамаддихоналар, спорт заллари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари борлиги яна бир қулайликдир.

Албатта, бундай масканлар йил сайин кўпайиб бораверади. 2015 — 2016 йилларда минтақаларда туризм соҳасини ривожлантиришга доир дастурга мувофиқ, 254 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Шу мақсадда 186,4 миллиард сўм миқдорида инвестициялар жалб қилиниб, 3659 ўринли 103 та меҳмонхона, мотель, уй-меҳмонхона, ўтов лагерларини ишга тушириш, қолаверса, 45 та туризм инфратузилма объектини модернизациялаш, 36 та янги иншоотни фойдаланишга топшириш, 46 та дам олиш зонаси, туристик комплекслар, ҳунармандчилик марказлари, музейлар, доимий ишлайдиган экспозицияларни барпо этиш мўлжалланмоқда.

Сайёҳлик соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Юртимиздаги 5 та олий ўқув юрти ва 11 коллежда замон талабларига мос мутахассислар етказиб берилаяпти.

Мухтасар айтганда, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Бу эса барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича белгилаб олинган устувор вазифалар ижросига хизмат қилаётир.

**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент.**

# Тошкент — Осиё чемпионати мезбони

Пойтахтимизда минифутбол бўйича Осиё чемпионати бошланди.

**ФУТЗАЛ**

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон минифутбол ассоциацияси томонидан Осиё футбол конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда қитъамизнинг ўн олти терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда, совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Айтиш жоизки, турнирда юқори натижа қайд этган энг кучли бешта жамоа жорий йил Колумбияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади.

Ўзбекистон терма жамоаси Саудия Арабистони, Ливан ва Қирғизистон футзалчилари билан "А" гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни кеча Саудия Арабистони вакилларига қарши ўтказиб, 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Терма жамоамизга муваффақият келтирган голларга Даврон Чориев (2 та), Жамолиддин Шарипов, Артур Юнусов ва Константин Свиридов муаллифлик қилди.

Ушбу квартетдаги Ливан ва Қирғизистон терма жамоалари ўртасидаги ўйин дуранг (4:4) билан якунланди.

"А" гуруҳида иккинчи тур беллашувлари 12 февраль куни бўлиб ўтади. Унда мухлислар Ўзбекистон — Қирғизистон, Саудия Арабистони — Ливан терма жамоалари ўртасидаги баҳсларга гувоҳ бўлишади.

Осиё чемпионатининг "В" гуруҳида ҳам дастлабки тур ўйинлари якунланди. Натижалар қуйидагича: Ироқ — Хитой 6:1, Эрон — Иордания 6:0.

Мусобақа 21 февралгача давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.

«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси
махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.

DOOSAN





www.doosaninfracore.uz

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

**Савдо бўлими**
Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

**Сервис хизмати**
Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

150R/69

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нурobод даҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (0-367) 227-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-95-26 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58, |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси,** Нурота ш.,Ш. Рашидов к.,32-уй | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |

160R/66

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси Газоконденсатлар лабораторияси мудири, кимё фанлари номзоди **Аҳмаджон АЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Корпоратив бошқарув кафедраси доценти Гўзал Одиловага онаси **ҚУТБИ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6